Ушбу сонда:

2 ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

ҲАМКОР АЛДАНМАДИ

3 ХАЛҚ ФИКРИ – АСОСИЙ МЕЗОН!

4 АЖАБТОВУР ҚОНУНЛАР

MEZON:

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақалари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, шунингдек Халқ банкининг шу мақсад учун махсус ташкил этилган бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 13-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 16 (422)
2005 йил
3 май
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан

ХОТИРА МУҚАДДАС, ҚАДР БАРҲАЁТ!

Инсонни қадрлаш, унинг шаъни ва ҳурматини жойига қўйиш, бу дунёдан ўтганларнинг хотирасини эзозлаш аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган улуғ туйғу ҳисобланади. Халқимизга хос бу хусусият бугунги кунда нафақат мерос, балки янгича руҳ ва умуминсоний қадриятлар билан бойиб бораётгани эътирофга лойиқ.

Ўзбекистонимизда бирон хонадон йўкки, машъум уруш жабрини кўрмаган бўлсин. Шу уруш туфайли қанчадан-қанча норасида гўдаклар етим, муштипар оналар бева, сулув келинчаклар бефарзанд қолишди. Орадан ярим аср вақт ўтган бўлса-да, бу урушнинг асорати жабрдийда кўнгилларда ҳамон сезилиб туради.

Биз ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган отабоболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Уларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари тилларда достон бўлган. Жангчи юртдошларимизнинг ўлмас жасорати, шак-шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари, истиқлолимизнинг шавкатли ҳимоячилари қилиб тарбиялашда улуғ мактаб, ватанпарварликнинг ҳақиқий намунаси бўлғусидир.

Жангларда жон олиб, жон берган оталаримиз, фронт ортида заҳмат чеккан юртдошларимиз, уруш йиллари қорахат олган хонадон бекалари, бедарак кетган фарзандлари йўлида илҳақ кўз тикиб ўтирган мунис онахонларимиз элюрт осойишталиги нима эканлигини ҳаммадан кўра яхшироқ биладилар. Озодликни, айни кунларда мутлақо янгича мазмун касб этган буюк Ватан тушунчасини ғоят теран ҳис этадилар.

Осмонимиз мусаффо бўлиши ва шу ёруғ кунларга етиб келишимиз учун кўксини қалқон, азиз жонини фидо қилганлар ёди халқ хотирасида абадийдир.

Ислом КАРИМОВ

Хотира ва Қадрлаш куни. Ушбу сана ҳар йили юртимизда ўзгача шукуҳ ва тароват билан нишонланади. Ўтганлар хотираси ёдга олиниб, улар ҳаққига тиловатлар қилинади. Ватан учун жон берганлар яна бир бор хотирланади. Ҳаётнинг пасту баландини кўрган отахону онахонлар зиёрат қилиниб, эҳтиром кўрсатилади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: бир пайтлар ғалаба куни сифатида тантана қилинган 9 майни бу тарзда, яъни **"Хотира ва Қадрлаш куни"** сифатида нишонланиши қандай аҳамиятга эга? Аввало давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **бундай маросимларнинг таъсири халқимизнинг ўз ўтмишига, ўз илдизларига қайтиш, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш жараёнида янада кучайиб боради.** Модомики бугунги глобаллашув жараёнида турли ғоявий оқимлар ва мафкуравий хуружларнинг доираси кенгайиб бораётган экан, бундай кезларда ҳар бир миллат ўзлигини фақат ўз ўтмиши ва қадриятларига таянибгина сақлаб қолиши мумкинлиги тобора ойдинлашиб бораётир.

"Менинг тилагим, истагим шуки, фаровон яшашга интилиш билан бирга Оллоҳнинг ўзи насиб этган асл фазилатларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эзозлашимиз, бойитиб боришимиз керак. Халқимиз ўзлигини англаб боргани сари кишиларимиз онгида "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, нималар билан фахрланишимиз мумкин", деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бориши лозим.

Иккинчидан, бугунги дунё, тараққиёт қайси йўлдан кетяпти. Қандай қадриятларга таянмоқда? Буларни назардан қочирмаслик шарт. Бошқача айтганда, азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққиёт танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур", – дея таъкидлайди Президент Ислом Каримов.

Бинобарин хотира ва қадрлаш халқимизга хос, миллий ўзлигимиз, урф-одату расм-русумларимиз билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлгани сабабли ҳам бу қутлуғ кун мамлакатимизда ўзига хос ўрнини топган халқона маросимга айланиб улгурди.

* * *

9 майни **"Хотира ва Қадрлаш куни"** деб номлаш ташаббуси 1997 йилда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилганини кўпчилик яхши билади. Ўшанда пойтахтимиздаги Қардошлик қабристонига ташриф буюрган Президентимиз гарчи маҳорабалар ўзбек тупроғидан узоқда кечган бўлса-да, халқимиз бу урушда ҳақиқий жасорат кўрсатганини алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, уруш кўпчилик мамлакатлар қатори юртимизга ҳам оғир қулфатлар келтирди. Ўша йиллари бир ярим миллион нафар ўзбекистонлик қўлига қурол олиб жанггоҳларга отланади. Ваҳоланки, уруш арафасида юртимиз аҳолиси олти ярим миллионни ташкил этарди. Агар аҳоли сонидан гўдаклар, вояга етмаганлар, қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни уч ярим миллион нафарга яқин қурол ушлашга қодир кишиларнинг ҳар икки нафаридан бири жанггоҳларда қон кечишга мажбур бўлгани маълум бўлади. Озодлик учун курашган ўзбек ўғлонларининг 420 минг нафари она юрт тупроғидан узоқларда жон берган бўлса, 604 минг нафари турлича жароҳат олиб, Ватанга қайтган. Бундан ташқари қанчадан-қанча аёллар, ёш болалар, ногирон ва қариялар фронт ортида машаққат чекмади, дейсиз. Шунинг баробарида ҳеч бир оила йўқ эдики, уруш туфайли отасидан, ака-укасидан, жигаргўшасидан ажралмаган бўлсин. Энг муҳими, бу урушга ўзбекистонликлар қандайдир "номаълум тепалик"лар учун кирмади, балки ўз элюртининг тақдирига масъуллик ҳисси уларни курашга бошлади.

— 18 ёшига тўлишим билан урушга жўнаб кетдим, — деб ўша йилларни хотирлайди иккинчи жаҳон уруш қатнашчиси Муртазо Усмонов. — Бизни тўғри Москвага олиб боришди. Олти ой ўқитиб, самолётдан сакрашга ўргатишди, кейин урушга кирдик. Бир марта яраланганимдан кейин ўқчи полкка ўтказишди. Ундан сўнг яна бошимдан яраланиб, госпиталда 7 ой ётишимга тўғри келди.

Биз бугун тарих саҳифаларига назар ташласак, фашизм балосини ер юзидан даф этиш учун бўлган ҳаётмамот жангларида ватандошларимиз ҳам тенгсиз мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатгани тарихий ҳақиқат эканига амин бўламиз.

Шу ўринда ўзбек аёлларининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида гап кетганда, уларнинг машоқ териб, жўхори ёриб, ўз фарзандлари қаторида юртимизга эвакуация қилинган болаларни ҳам омон сақлаб қолганини эсламасдан ўтолмаймиз. Кети узилмаган "қора хат"лар етказган шумхабарлар зарбига дош берган, қайғу-аламга басма-бас кела олган ҳам ўзбек аёллари эди. Қолаверса, улар орасида урушда эркаклар билан бир сафда туриб курашганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

— Машъум уруш бошланганида 16 ёшда эдим, — деб ўша йилларни хотирлайди Мавжуда ая Самадова. – Биз – турли миллатга мансуб 12 нафар ёш қиз даставвал шаҳримизда очилган госпиталларда ярадорларга ёрдам бериб юрдик. Бир куни Мусахонова деган дугонам "Келинглар, қизлар урушга борамиз. У ерда ёрдамимиз кўпроқ тегади", деб қолди. Шу гап билан ҳарбий комиссариятга бордик. У ерда ёшимиз етмагани боис бизни ҳамширалар тайёрловчи курсга юборишди. 18 ёшга тўлишимиз билан урушга жўнаб кетдик. Ростов ва Қрим ерларида кечган жангларда жароҳатланганларга қўлимиздан келганича ёрдам бердик.

Бу сўзлар ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳеч бир миллатникидан кам эмаслигига шаҳодат беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 33 минг 721 нафар уруш иштирокчиларининг қарийб учдан икки қисми ярадор ва ногирон экани ҳам Ўзбекистон бу урушдан қандай жароҳатлар билан чиққанини, инсониятни фашизм балосидан қутқаришдек буюк ғалабага қанчалик ҳисса қўшганини яққол кўрсатиб турибди.

Шу боис ҳам, ана шундай мусибатларга дош берган ота-боболаримиз, онахону момоларимиз олдида бош эгмаслигимиз, уларни хотирламаслигимиз, қадрламаслигимиз мумкин эмас.

(Давоми учинчи бетда)

УЛУҒВОРЛИК

Шукрки, тинч, тўқ ва фаровон даврда яшаяпмиз. Аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган эркин, истиқболли кунларга эришдик. Бироқ гапнинг нафсиламбирини айтганда, бу кунларнинг ўзи келмади. Шу боис ҳам, қурбонлар, қайғулар, аламлар эвазига эришилган ушбу ёруғ кунларнинг қадрига етмоғимиз лозим.

Мен ҳозир 85 ёшдаман. Айтганимдек, умрим давомида кўплаб аччиқ ва аламли лаҳзаларнинг гувоҳи бўлганман. Бугун ўша қора кунлар орқада қолди. Лекин ҳеч қачон ўтмиш сабоқларини унутиш ярамайди.

Тарихимизнинг ўша оғир кечган йилларида — иккинчи жаҳон уруши арафасида Тўрткўл ўқитувчилар тайёрлаш институтини тамомладим, умримнинг бир қисмини халқ маорифи равнақига, ёшлар тарбиясига бағишладим. 1942 йилда урушга кетдим. Сталинград, 2-Украина фронтларида душман билан бўлган мислсиз олишувларда иштирок этдим. Қонли кечувлар жараёнида иқрор бўлдимки, юрагингда Ватан туйғуси ҳукмрон экан, ҳеч бир ёвуз куч сени енга олмайди. Шу муқаддас туйғу таъсирида жангга кирган берунийлик мард ўғлонлар Ўрозбой Жуманиёзов ва Александр Трашковларга Қаҳрамонлик унвони берилди. Жангда шаҳид кетган ёр-биродарларимиз ёди қалбимиздан абадий ўрин олди.

Юртбошимиз барча ватандошларимизга бахтиқбол калитини инъом этди. Дориломон кунларни бошимиздан кечиряпмиз. Шу имкондан фойдаланиб, фарзандларим, невараларим қўл-қанотлигида фермер хўжалиги ташкил қилдик. Етиштираётган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимиз миқдори йил сайин ортиб боряпти.

Эътироф этмоқ лозимки, бугун дўст-ёрларга чиройли дастурхон ёзиш кўпчилик учун у қадар муаммо эмас. Мана шу ширин калом устида ушбу бахтиёр кунларимиз учун курашган, жонини фидо қилган элдошларимиз, жамики яхши инсонлар хотирасини ёд этиб, дуога қўл кўтармоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Зотан, ҳар биримиз марҳумлар ёди, ўтмиш улуғворлиги билан тирикмиз.

Жумабой бува ХЎЖАМУРОДОВ,
Беруний тумани

Huquqiy himoya

Ярашиш бағрикенг халқимизнинг миллий хусусиятларидан бири бўлиб, у тарихан турли сабаб ва ҳолатларга кўра бир-бирларини ранжитган, зарар етказган шахсларнинг бир-бирларини кечириши, зарарни қоплаб ўзаро тинч-тотув яшашни давом эттиришида ўз ифодасини топган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, аждодларимиз азалдан ярашувга юксак инсонийлик фазилати сифатида муносабатда бўлишган.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ:

МИЛЛИЙ АНЪАНАНИНГ ҚОНУНИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига жиноят ишларини юритиш тизимига ярашув институтини киритилиши жиноят билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришнинг самарали воситасини юзага келтирди. Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгроқ қўлланиши ҳамда судда ишларнинг кўрилишини соддалаштириш имконини яратди.

Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мустақил тури бўлиб, у амалдаги Жиноят кодексининг 66-1 моддасида назарда тутилган жиноятларни содир қилган шахсларнинг ишлари бўйича юритилади ва бунда ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан шахснинг айбдорлик масаласи ҳал этилмасдан жиноят ишлар тугатилади. Бунда жиноий ҳаракат содир этган шахсни айбига иқрорлиги, жабрланувчи билан ярашиш ва етказилган зарарни бартараф этиши кифоя. Агар шахс бир неча жиноятни содир этган бўлса, ишнинг бир қисми ярашув муносабати билан тугатилиши мумкин, лекин бу тартиб такрорийлик белгисини берадиган жиноий ҳаракатларга татбиқ этилмайди.

Ярашув тўғрисидаги иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқи жабрланувчи (фуқаровий даъвогари) ёки уларнинг вакилларига берилган. Иш бўйича бир неча жабрланувчи мавжуд бўлган ҳолда уларнинг барчаси ярашув ҳақида ариза беришлари лозим, акс ҳолда иш умумий асосларда юритилади. Иш бўйича бир неча айбланувчи мавжуд бўлса, ишнинг жабрланувчи билан ярашувга эришган айбланувчига тегишли қисми тугатилади, ярашувга эришилмаганларига тегишли қисми умумий асосларда олиб борилади.

Ишни кўришда жабрланувчи билан бирга фуқаролик даъвогари қатнашаётган ҳолларда ярашув тўғрисидаги ишни тугатиш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаролик даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт. Ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, иш биринчи босқич судида кўриладиган эса маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ишларни кўришда судья жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиш ҳақида тушунтириши лозим. Қонуннинг бу талабини бажармаслик суд қарорларини бекор қилишга олиб келади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келганидан ўн кундан кечикмасдан айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг вакиллари, ҳимоячилари ва прокурор иштирокида ўтказилади. Суд муҳокамасида ярашувнинг ихтиёрийлиги, судланувчининг айбига ихтиёрий иқрор бўлгани, содир қилинган жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилгани, ярашувнинг ихтиёрийлиги аниқланган тақдирдагина ярашув тасдиқланади, ишни юритиш тугатилгани ҳақида ажрим қабул қилинади.

Ярашув институтининг жорий этилиши фақат иш юритишни соддалаштириб қолмасдан, амалда жабрланувчига ўзининг ҳуқуқларидан янада тўликроқ ва самаралироқ фойдаланиш имконини берди. Аксарият ҳолларда бу тоифадаги ишлар бўйича жабрланувчига етказилган зарар иш судда кўрилгунига қадар бартараф этилмоқда. Биргина жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани судида ўтган 2004 йил мобайнида тарафларнинг ярашуви муносабати билан 20 та жиноят иши тугатилди ва 22 нафар шахс жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этилди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса бешта иш ярашув асосида тугатилди. Андижон шаҳрида яшовчи Муҳаммад Бурҳонов "DAMAS" русумли автомашинасида йўл-транспорт ҳодисасини содир этган ва бунинг оқибатида автомашина ичида бўлган Арофатхон Раҳматова ўртача даражада тан жароҳати олган. М.Бурҳонов Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган бўлса-да, у жабрланувчи билан ярашгани, жиноий ҳаракати натижасида етказилган зарарни бартараф қилгани учун жиноят иши тугатилди, у жавобгарликдан озод этилди.

Хулоса ўрнида айтсак, қонунчилигимизга ярашув институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали воситасидир.

Абдуқаҳҳор МАННОНОВ,
ҳуқуқшунос

Бу воқеага кўп бўлгани йўқ. Дам олиш кунларининг бири эди. Шаҳарлараро телефоннинг бетиним жиринглашидан ҳайратланиб дастакни кўтардим. Эркак кишининг таниш овози қулоғимга чалинди. У худди ён қўшниникидан қўнғироқ қилаётгандек, овози жаранглаб эшитиларди. Дарров танидим. Бундан уч-тўрт йил аввал тақдир тақозоси билан Украинага кетган Федя ака эди. Ҳол-аҳвол сўрашишдик. Тошкентни, маҳалла-кўйлари, уйлари, бизнинг оилани, айниқса, онажоним — Манзурахон Абдуғани қизини жуда-жуда соғинганини гапираяпти-ю, ҳаяжони шундоқ сезилиб турарди.

ИНСОН МЕҲРИ



Айниқса, яқинда онажонимдан айрилиб қолганимизни айтганимда, у бирдан жим бўлиб қолди. Анчадан кейин йиғи аралаш **"шу сабабдан кетма-кет тушларимга кирган эканлар-да"**, деди у. Хайр-хушлашарканмиз, "Барибир, Тошкентни, Ўзбекистонни қумсайман. Ахир, у ерда мен қайта туғилганман", деган гапларни такрор-такрор айтди.

Федя ака ким эди, унинг бизнинг оиламизга қандай алоқаси бор?

Очиғи, у киши — Федор Кульчиковский Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг тутинган ўғли эди...

Тошкентнинг кун ботарида, Кўкча даҳасининг боғ-роғлари, экинзорларига туташиб кетган Жарариқ кўчасида темирчилар оиласи — Шоаҳмад ака билан Баҳри опа истиқомат қилишарди. Бир уй, бир айвонли, чоғроқ саҳнли ҳовлининг этагида кичкина темирчилик устахонаси бўлиб, темирчилик артелига аъзо бўлган эр-хотин уйда ҳам бирга ишлашарди. Бефарзанд бу оила кўп қатори баҳоли қудрат турмуш кечирарди. Ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ, аммо айтарли ошиб-тошиб ҳам кетишмаган. Фарзандсизликни пешонага битилган тақдир деб билиб, унга тан бериб, рўзғор тебратишарди.

Ногаҳон бошланган уруш юртимизнинг ҳам тинчини бузди. Шундай кезда Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши даврида минглаб қариялар, аёллар, айниқса, болаларни ўз бағрига олди. Устахонада тақа ясайдиган Шоаҳмад ака, дам босиб ўтирадиган Баҳри опанинг ҳам тинчи бузилди. Юрт нотинч, ичгани ичига тушмас, дарди-дунёлари қоронғу эди. Тиқ этса, айвон устунига осиғлиқ қоп-қора лаганча-радио карнайига қулоқ солишарди, бироқ кўнгилга таскин берадиган гап эшитишмасди.

Бир куни шаҳарда фронт яқинидан, фашистлар босиб олган жойлардан болалар келтирилаётган эмиш, деган гаплар тарқалди. Ҳамманинг фикр-хаёли болаларда бўлиб қолган кезлар эшикдан Шоаҳмад аканинг ҳамкасби, артелда бирга ишлайдиган усталардан бири Исмоилжон кириб келди. У кеча Тошкент вокзалида бўлганини, яна бир эшелон болалар келтирилгани, уларнинг афт-ангорига қараб бўлмаслиги, бири ярадор, бири нимчилиқ, бири юпун, лаблари гезарган, этлари устихонига ёпишган гўдаклар эканини гапириб берганида бутун вужуди ғазабга тўлади.

— Болалар, гўдакларда негуноҳ, эй уйинг куйгур босқинчи! — деб юборди. Сал ўзига келгач эса, ҳамкасбига маслаҳат солади:

— Исмоилжон, йўл-йўриғини кўрсатинг, ахир, ўша болалар сиз билан менга ўхшаганларнинг фарзандлари-ку, бағримизга олайлик. Оталик, оналик қилайлик норасидаларига...

Эр-хотин эртасигаёқ Тошкент вокзалига чиқишади. Келтирилаётган болаларни ўз кўзлари билан кўришади. Сал кун ўтмай болалар уйидан бир ўғил, бир қизни етаклаб келишади. Аввалига бу гап маҳалла-куйга, кейинчалик бутун шаҳарга тарқалади.

"Ўша кезларда тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи фронт яқинидан кўчириб келтирилган болалардан икки нафарини ўз тарбиясига олгани ҳақида радиодан бир хабар эшитиб қолдим, — деб ёзган эди ёзувчи Раҳмат Файзий ўз хотираларида. — **Тез орада Шоаҳмад ака яна уч нафар бола олди. Шаҳарликлардан кўплаб оилалар етим болаларни ўз тарбиясига олаётгани ҳақида хабарлар тарқала бошлади.**

(Давоми учинчи бетда)

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

Томонларнинг муҳри ва имзолари билан тасдиқланган шартнома — қонун даражасидаги расмий ҳужжат бўлиб, унда кўрсатилган талабларни бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Бироқ айримлар шартнома ўзаро келишув ҳужжати бўлгани сабабли унинг тўлиқ бажарилиш-бажарилмаслиги ўзларигагина тааллуқли, деган мутлақо нотўғри хулосага келишади.

Фикримизнинг исботи учун оддий мисолга мурожаат этайлик. Айтайлик, буюртмачи шартномада белгиланган муддатда корхонага бажарилган иш учун келишилган маблағни ўтказиб бермади. Бунда аввало, корхона иқтисодий зарар кўради, қолаверса, ишчиларга ўз вақтида маош беролмайди. Иккинчидан, солиқ, нафақа жамғармаси ва шунга ўхшаш бошқа зарур тўловлар ўз вақтида тўланмай қолиши оқибатида мажбурий қарздорлик вужудга келади.

"Тошкент таъмирлаш қурилиш" очиқ акциядорлик жамияти бош директори М.Кутуев Адлия вазирлигига йўллаган шикоят аризасида, жумладан, шундай ёзади: "Тошкент таъмирлаш қурилиш" ОАЖ Тошкент шаҳри ҳудудида капитал қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Сўнгги вақтларда мижозларимиз шартномавий мажбуриятларини бажармаётгани оқибатида маблағ тақчиллиги сезилиб қолди. Натижада қурилиш молларини сотиб олишга қийналаяпмиз. Ишчиларга ойлик маошларини беришда узилишлар юз бермоқда. Шунингдек, солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширишни имкони бўлмаяпти. Буюртмачи-ташкилотлар раҳбарларига мурожаатларимиз бирор натижа бермади. Дебитор қарзларини ундиришда ёрдам беришингизни сўраймиз".

Ушбу ариза асосида суриштирув ишларини олиб борган Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходимлари далилларни синчиклаб ўрганишди. Ҳақиқатдан ҳам, "Тошкент таъмирлаш қурилиш" корхонасининг 1-ихтисослаштирилган монтаж шўъба хўжалигидан Чилонзор туманидаги "Коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мужассамлаштириш хизмати" 9.634760 сўм, Яккасарой туманидаги "Коммунал-таъмирлаш, аварияни тиклаш ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мужассамлаштириш хизмати" 4.673820 сўм, Юнусобод туманида жойлашган "Сифатли ва тез махсус ишлар" масъулияти чекланган жамияти 4.562358 сўм, Сирғали туманида жойлашган "Сифатли таъмирловчи" уй-жой мулкдорлари ширкати 1.579464 сўм, шунингдек, 2-ихтисослаштирилган монтаж шўъба хўжалигидан Акмал Икромов туманида жойлашган "Обод-Боғистон" уй-жой мулкдорлари ширкати 2.435525 сўм қарздор экани аниқланди.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасига асосан бажарилган иш ҳақининг тўланишини кечиктиргани учун жавобгар корхонадан ҳар бир кун учун 0,4 фоизли устама ундириш лозим бўлади.

Агар мазкур қонун талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги қарзлар миқдори ўз-ўзидан 50 фоизга ошиши турган гап. Жумладан, 2003 йил 23 январдаги 1-сонли шартномага мувофиқ "Тошкент таъмирлаш қурилиш" ОАЖнинг 2-ихтисослаштирилган монтаж шўъба хўжалигидан "Обод-Боғистон" уй-жой мулкдорлари ширкати буюртмасига асосан Акмал Икромов туманида жойлашган кўпқаватли уйларда 2.435525 сўмлик таъмирлаш ишларини бажарган. Шартноманинг 3.2 бандига асосан бажарилган ишлар қабул қилиб олингач, буюртмачи навбатдаги тўловларни 7 кун муддатда ҳисоб-китоб қилиши белгилаб қўйилган.

Қурилиш корхонаси шартномада белгиланган барча ишларни ўз вақтидан кечиктирмай бажарган бўлса-да, орадан қарийб бир ярим йил ўтганига қарамай буюртмачи асоссиз равишда ҳақ тўлашни пайсалга солиб келган. Бунга жавобан ўтган вақт мобайнида жамият раҳбарияти талабнома устига-талабнома юборишдан нарига ўтишмаган.

Бу орада ўзаро тузилган шартноманинг 5.1-бандига мувофиқ қарзга нисбатан устама миқдори 1.217.762 сўмгача ўсиб борган. Агар бу рақамни асосий қарзга қўшадиган бўлсак, жами қарз 3.653.278 сўмни ташкил этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг "Тошкент таъмирлаш қурилиш" ОАЖ манфаатларини кўзлаб куни киритган 13/4-482-рақамли даъво аризасини кўриб чиққан Тошкент шаҳар хўжалик суди уни қисман қаноатлантиришни лозим топди. Аниқроқ айтганда, асосий қарз маблағига нисбатан талаб қилинганидек 50 фоиз ўрнига 25 фоиз миқдорида устама ундирилди.

Хўш, суднинг бундай қарор қабул қилишига нима сабаб бўлди?

Биринчидан, Фуқаролик кодексининг 326-моддасига биноан суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган устамани камайтириш ҳуқуқига эга. Иккинчидан, даъвогар томонидан 1995 йил 12 майдаги **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Президент

Dakki

Фармони талаблари қўпол равишда бузилган.

Шу сабабли суд даъвогар ҳисобига "Обод-Боғистон" УЖМШдан 2.435.525 сўм асосий қарз, 608881 сўм устама, почта ва давлат божи харажатлари ундириш ҳақида адолатли хулосага келди.

Холис айтадиган бўлсак, мутасаддилар йиллаб тўланмаган қарзнинг устамасини ҳисоблаб юргандан кўра, ўз вақтида судга мурожаат қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Баъзи раҳбарлар ўз хизмат вазифаларига нисбатан эътиборсизликни маблағ тақчиллиги билан оқлашлари инсофданмикан?! Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, аслида йўқ ердан пайдо бўлган 608.881 сўм кичкина маблағ эмас. Агар уни раҳбар ўз ҳамёнидан тўлаганида, эҳтимол, ҳисоб-китобни пишиқ-пухта қилиб юрармиди? Ахир, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади, деган гап бежизга айтилмаган-ку?!

Қисқаси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2004 йилдан шу вақтгача биргина "Тошкент таъмирлаш қурилиш" ОАЖ шўъба корхоналарини манфаатларини кўзлаб, судга 39.923.390 сўмлик 6 та даъво аризаларини киритган бўлиб, шундан 32.305.372 сўмлик қисми қаноатлантирилган. Мазкур маблағнинг 10.186.511 сўми устама пулини ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераkки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир раҳбар омилкор ва тадбиркор бўлиши шарт. "Олма пиш, оғзимга туш" деб, хотиржамликка берилганларни шиддатли ҳаёт оқими чеккага чиқариб ташлайди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини, бурч ва мажбуриятини тўғри англаб етган, сўзи билан иши бир тадбиркорларга, албатта, омад кулиб боқади.

Алишер ҒУЛОМОВ,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

"ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг шу йил 9-сонида чоп этилган **"Кўмаклашганнинг кўмакчиси кўп"** сарлавҳали мақолада келтирилган фактлар Гурлан туман ҳокимлигида ўрганиб чиқилди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлар белгиланди.

Мақолада қайд этилган фуқаро Ж.Бозорбоевнинг туман ҳокими номига турар жой қуриш учун ер участка ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси 2004 йил 21 апрел Б-174-сон билан рўйхатга олинган ва ариза туман ҳокимлиги бўлимлари томонидан ўрганилиб, 2004 йил 6 майда 952-квитанция орқали аризагўйга жавоб хати юборилган.

Мақолада келтирилган фуқаро С.Вафоевнинг автобекат қуриш юзасидан берган аризаси эса, туман ҳокимлигида 2004 йил 31 мартда В-141-сон билан рўйхатга олиниб, унга 2004 йил 2 июн куни жавоб хати кечиктириб юборилган.

Бундай ҳол туман ҳокимлигида Н.Матёқубова ва К.Эшниёзовнинг аризаларини ҳам кўриб чиқишда йўл қўйилган. Туман ҳокимлигида адлия бошқармасининг ўтказган текшириш якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ушбу камчиликлар атрофлича муҳокама қилинган ва камчиликларга йўл қўйган раҳбарлар ва масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган. Жумладан, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда қонун талабларининг бузилишига йўл қўйганлиги учун туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлими бошлиғи Х.Эшчахановга "Огоҳлантириш" ва туман ҳокимлиги бош мутахассиси Я.Кўчкоровга "Ҳайфсан" эълон қилинган. Туман ДСЭНМ бош шифокори Р.Нурманов текширишларни мувофиқлаштириш Кенгашига 2004 йил учун буюртма беришда эътиборсизлик қилиб, ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун ўз аризасига асосан хизмат вазифасидан озод қилинган. Ҳозирги кунда туман ДСЭНМ томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумийлиги, эпидемиологик аҳамиятга эга объектларни олдин мониторинг тартибида ўрганиб, сўнг Кенгашга буюртма бериш йўлга қўйилган.

Мақолада келтирилган бошқа фактлар туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан АТ Пахта банкининг Гурлан бўлими бошқарувчиси Ж.Ҳасанов, ТИФ Миллий банкининг Гурлан филиали мудираси З.Сапарбоева ва Халқ банкининг Гурлан бўлими бошқарувчиси С.Юсуповлар номига тақдимномалар киритилди.

И. ҚАЛАНДАРОВ,
Гурлан туман ҳокими

* * *

Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан Китоб туманидаги Алишер Навоий номидаги жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги Севаз қишлоғида яшовчи фуқаро М.Авлоқуловнинг таҳририятга Китоб туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ноқонуний хатти-ҳаракатлар бўлаётгани ҳақида ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Китоб туманидаги қишлоқ хўжалик коллежида ўтказилган текшириш жараёнида коллеж мансабдор шахслари томонидан ҳужжатларни сохталаштириб, жами 1.518.120 сўмлик ўзганинг мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилингани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича вилоят МХХБ томонидан 2005 йил 10 март куни Китоб тумани қишлоқ хўжалиги коллежи мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳозирги кунда вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда ариза муаллифига маълум қилинди.

М. КАРИМОВ,
вилоят прокурорининг ўринбосари

Huquqiy savodxonlik sari

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

Мамлакатимизда ҳар бир кишининг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Хусусан, амалдаги Меҳнат кодексида ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномасининг фақат ёзма шаклда тузилиши, унда муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариши белгилаб қўйилган. Мазкур кодексининг 1-моддаси 3-қисмига кўра, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, кодексда иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ҳам ўз ифодасини топган. Бироқ амалиётда айрим раҳбарларни қонунга зид равишда ходимларни ишдан бўшатиш ҳолатлари учрайди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, фуқаро Д. судга мурожаат этиб, Бўз туманидаги автокорхонада қоровул бўлиб ишлагани, қиш мавсумида ўт олдириш қийин бўлгани сабабли айрим машиналарнинг аккумуляторларини олиб, қоровулхонага қўйгани, бироқ автокорхона раҳбарияти уни аккумуляторларни ўғирлаган, деган айб билан ишдан бўшатганини баён этган. Қизиғи шундаки, иш берувчининг буйруғида ходим қачон ишдан бўшатилгани, қандай хатоликка йўл қўйгани, Меҳнат кодексининг қайси моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилингани кўрсатилмаган. Шу боис суд Меҳнат кодексининг 100, 101, 107-моддаси талаблари қўпол равишда бузилгани учун иш берувчи буйруғини ғайриқонуний, деб топди. Бундан ташқари, иш берувчига нисбатан қонунбузилишига йўл қўйгани учун хусусий ажрим чиқарилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераkки, Меҳнат кодексининг 270-моддасига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим бу ҳақдаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида даъво аризаси билан судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этишга ҳақли. Шунингдек, фуқаролик кодексининг 153-моддасига биноан бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд аризасига мувофиқ қўлланади. Бу ҳолат Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилишни тартибга солувчи қонунларининг қўлланиши ҳақида"**ги 1998 йил 17 апрелдаги қарорининг 3-бандида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳаётда баъзи корхоналарда иш берувчи томонидан буйруқ нусхасини ходимга ўз вақтида бермаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Мисол учун айтсак, фуқаро А. 1996 йилда "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасига оддий ходим сифатида ишга кирган. У билан меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ 1998 йил 19 май куни бекор қилинган. Бироқ фуқаро А. 2004 йилнинг октябр ойида судга даъво ариза киритиб, ишга тиклаш ва мажбурий ишсиз юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган. Иш берувчи суд мажлисида ходимга буйруқ нусхасини ўз вақтида берилгани, лекин ўша вақтда ишлаган кадрлар бўлимининг бошлиғи ходимга буйруқ нусхасини олгани тўғрисида имзо қўйдирмаганини таъкидласа-да, бу важларни тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатни тақдим этолмади. Аксинча, даъво аризасини бериш муддатини ўтказиб юборгани сабабли даъвони рад қилишни сўради. Суд мазкур фуқаролик ишини кўришда Меҳнат кодексининг 270-моддасига биноан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш, яъни иш берувчининг айби билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ўз вақтида берилмаганини асос сифатида тан олмади. Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилишни тартибга солувчи қонунларининг қўлланиши ҳақида"**ги қарорининг 14-бандига асосан меҳнат шартномаси иш берувчи билан ходим ўртасида ҳақиқатдан ҳам, меҳнат муносабатларини бекор қилишга келишув бўлган-бўлмагани ўрганиб чиқилди. Натижада меҳнат шартномасини бекор қилишда тарафлар ўртасида Меҳнат кодексининг 97-моддасининг 1-бандига асосан суд томонидан иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат шартномаси ўзаро келишувга биноан бекор қилингани аниқланди. Шундан сўнг суд иш берувчи буйруқ нусхаларини бериш борасида ишларни нотўғри йўлга қўйгани учун тегишли чоралар кўриш юзасидан хусусий ажрим чиқарди ва ходимнинг даъво аризасини рад этди.

Юқорида қайд этилган Олий суд Пленуми қарорининг 3-бандига асосан даъво муддатини тиклаш ҳақида фуқаро Б. ўтказиб юборилган муддатни тиклашни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Аризада у билан меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи томонидан қонун талаблари нотўғри қўлланилгани, яъни Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 2-банди билан ўз вазифасига нолойиқ деб топиб, ишдан бўшатилганини баён этган. Бу ишга дахлдор ҳужжатлар кўздан кечирилганда шу нарса маълум бўлдики, ходим 1997 йил 21 август куни ишхонага маст ҳолда келган. Бу ҳол корхонага мижозлар томонидан ишончсизлик пайдо бўлиши ва унинг шаънига путур етказиши мумкинлиги инобатга олиниб, иш берувчи томонидан ходим вазифасига нолойиқ деб топилган ва меҳнат шартномаси бекор қилинган. Суд даъво муддатини асоссиз равишда ўтказиб юборгани учун даъвогарнинг аризасини рад этган. Бундан кўринадики, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

М. ТОЖИБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Saboq

Ўтган йилнинг бошланиши "Шуманай МТП" Давлат акциядорлик жамияти учун омадли келди. Йил аввалидан акциядорлик жамияти ва тумандаги қарийб барча қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида техник хизмат кўрсатиш юзасидан контрактация шартномалари тузила бошлади. Қисқа фурсат ичида акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига "Олтинбек" фермер хўжалиги ҳисобидан 442298 сўм, "Қалимбетов" фермер хўжалиги ҳисобидан 385935 сўм, "Давлатёр" фермер хўжалиги ҳисобидан 270000 сўм, "Лаззат" фермер хўжалиги ҳисобидан 257290 сўм, "У.Ажбенов" фермер хўжалиги ҳисобидан 209000 сўм... пул маблағлари ўтказилди.

Шартномаларга мувофиқ, акциядорлик жамияти зиммасига белгиланган фермер хўжаликлари ер майдонларида изма-из равишда шудгорлаш, экиш, ишлов бериш, йиғиш-териш ишларини изчил амалга ошириш мажбурияти юкланди. Бироқ "Шуманай МТП" мутасаддилари фермер хўжаликларининг акциядорлик жамияти ҳисобида тегишлича пул маблағлари бўлишига қарамасдан, шартнома шартларини тўлиғича бажармади. Натижада аксарият фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалигига оид муҳим агротехник тадбирларнинг барчаси қўшимча харажатлар ҳисобига амалга оширилди.

ҲАМКОР АЛДАНМАДИ



Шу тарзда раҳбарлик ишидаги масъулиятсизлик фермер хўжаликлари елкасига оғир юк бўлиб тушди. Йил поёнига етиб ҳам акциядорлик жамиятидагилар инсофга келмади.

Лўнда қилиб айтганда, акциядорлик жамияти раҳбарлари томонидан **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонун талаблари қўпол равишда бузилди. Шунга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Шуманай туманидаги масалага дахлдор фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига даъво аризаси киритди. Яқинда мазкур аризалар сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Қизиғи шундаки, суд жараёнида иштирок этган "Шуманай МТП" акциядорлик жамияти раҳбар ходимлари А.Пренов ҳамда Т.Алламбергенов «алдагани бола яхши» қабилида иш тутиб, ўтган йили техника воситалари етишмагани сабабли фермер хўжаликларига меъёрида техник ёрдам кўрсатилмагани, ушбу йилда эски қарз ҳисобидан техникавий ёрдам беришни билдиришди.

Қонун ваъдаларга эмас, аниқ далилларга суянади. Шунга биноан, суд **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ жавобгардан мажбурият ижросини ҳар бир кечиктирилган куни эвазига фермер хўжаликларига устама ундириб беришни лозим топди. Шундай қилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан "Шуманай МТП" акциядорлик жамияти ҳисобидан "Қалимбетов", "Давлатёр", "Муқаддас", "Убайдулла ота Мамутов", "Олтинбек", "Лаззат", "Ғафур" каби жами 22 та фермер хўжаликлари фойдасига тегишли миқдорда устама ундириб бериладиган бўлди. Одил суд акциядорлик жамияти мутасаддиларини бепарволик уйқусидан уйғотиб қўйди. Начора, қонун ўзини билганни сийлайди, ўзини билмаганни "қийнайди"-да!..

Тожимурод
ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Muloqot

«АЛМАШТИРИБ БЕРИЛИШИ ШАРТ...»

Яқинда шаҳардаги дўконларнинг биридан рангли телевизор харид қилган эдим. Аммо уни уйга олиб келиб қўйсам, ишламади. Шундан сўнг телевизорни дўконга олиб бордим. Дўкондаги сотувчилар эса уни қайтариб олишдан бош тортишди. Ваҳоланки, уни сотиб олаётган пайтимда улар истаган пайтда келсангиз, алмаштириб берамиз, дейишган эди. Истеъмолчи сифатида энди ҳуқуқимни тиклаш учун қаерга мурожаат қилишим мумкин?

Улуғбек ЖАЛОЛОВ,
Самарқанд шаҳри

— Бундай воқеалар ҳаётда учраб туради. Лекин баъзи харидорлар ўз ҳуқуқларини яхши билмагани учун товарга ҳам, пулига ҳам куйиб қолади. Ваҳоланки, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

-товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

-товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;

-товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларини бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

-харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

-шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

-товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

-кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

-кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

-мавсумий товарлар учун Ҳукумат томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган тўпламлар, гарнитуралар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқланган бўлса, мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитуралар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқланган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди. Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича, расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқувчи томонидан бартараф этилади.

Демак, сизнинг қўлингизда телевизор сотиб олганлигингизни исботловчи чек бўлса, сиз нуқсонли товарни алмаштириш ёки пулини қайтариб олишингиз мумкин.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига мувофиқ эса, бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат идораларига, яъни маҳаллий ҳокимият идораларига мурожаат этишингиз мумкин.

«СИЗ ҲАҚСИЗ...»

Яқинда уйимни сотиш мақсадида газетага эълон бердим. Шундан сўнг бир харидор келиб уйни кўрди. Унга уй маъқул бўлди шекилли, бировга сотиб қўймаслигим учун 100 доллар пул ташлаб кетди. «Узоғи билан 3 кунда келаман», деб бир ой ўтса ҳамки, ундан дарак бўлмади. Бу орада 5-6 харидорларни қайтариб юбордим. Бир куни у келиб, бошқа жойдан уй олаётгани, шунинг учун пулини қайтариб беришимни айтди. Мен пулни қайтариб бермайман, дедим. Шундан буён у турли идораларга шикоят қилмоқда. Айтмоқчиманки, бу масала бўйича мен ҳам ўзимни қонуний ҳимоя қилсам бўладими? Шу ҳақда тушунча беришингизни илтимос қиламан.

Собир ЭРГАШЕВ,
Дўстлик шаҳри

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш кераkки, Фуқаролик кодексининг 312-моддасида **"заклат билан таъминланган мажбуриятни бекор қилиш ва бажармаслик оқибатлари"** ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, **"мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида, яъни агар тарафлардан бирортаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариши мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади. Бекор қилинган тақдирда заклат пули қайтариб берилиши керак.**

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун заклат берган тараф жавобгар бўлса, заклат иккинчи тарафга қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун заклат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга заклатни икки баравар қилиб қайтариши шарт" дейилган.

Ушбу моддадан кўриниб турибдики, заклат сиз тарафда қолади. Шу боис сиз ҳам судга мурожаат қилишингиз керак. Суд ишни, албатта, сизнинг фойдангизга ҳал қилади.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

Qonun ko`magi

ШАРТНОМА ИЖРО ЭТИШ УЧУН ТУЗИЛАДИ!

Деҳқон ҳар йили баҳор келди деганда, ерга уруғ қадаб, мўл ҳосил олиш ниятида эртаю кеч, иссиғу совуқ демай далада меҳнат қилади.

Сирдарё вилоятининг Ховос (собиқ Меҳнатобод) туманида деҳқончилик қилиш нақадар қийин экани, туман ерлари янги ўзлаштирилгани, ер ости сувлари жуда яқин бўлиб, ерлар шўрлангани мўл ҳосил олиш учун қанчалик меҳнат ва харажатлар талаб қилиши ҳар бир деҳқонга аён.

Туманнинг Э.Қаххоров номидаги хўжалиги ҳудудида "Суғдиёна" фермер хўжалиги 340 гектар ер майдонида фаолият кўрсатмоқда. Унинг раҳбари Зубайдулло Напасов. 2004 йил пахта ҳосили учун 130 гектар ерга эрта баҳорда чигит қадалган эди.

Ҳар йили фермер хўжалиги Оқолтин туманидаги "Сардоба" пахта тозалаш корхонаси акциядорлик жамияти билан етиштирилган ҳосилни сотиш бўйича контрактация шартномаси тузар эди. 2004 йилда ҳам шундай бўлди. Жамият билан фермер хўжалиги ўртасида 2004 йил 12 январ куни 231-сонли контрактация шартномаси тузилди. Мазкур шартномага асосан фермер хўжалиги пахта экилган майдондан 246 тонна пахта хомашёси етказиб бериши керак эди.

Шартнома имзоланди, муҳрланди ҳамда тегишли тартибда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг шартномаларни рўйхатга олиш бўлимида давлат рўйхатидан ҳам ўтказилди. Энди фақат уни ижро этилиши қолган эди.

Зубайдулло аканинг эртаю кеч қилган меҳнати ўз самарасини берди. Ваъда қилинган 246 тонна ўрнига 409,8 тонна пахта хомашёси етказиб берилиб, шартномавий режа 166 фоизга бажарилди. Фермернинг юзи ёруғ бўлди.

Албатта, меҳнат қилгач, ундан манфаатдор ҳам бўлиш керак. Фермер хўжалигининг йил бўйи қилган меҳнатидан кутган умиди катта эди.

Афсуски, пахта тозалаш корхонаси раҳбарлари ваъдани бузиб, лафзсизлик қилишди.

Ваҳоланки, икки ўртада тузилган шартноманинг 4.4-банди бўйича «Тайёрловчи», яъни пахта тозалаш заводи "Хўжалик"ка етказиб берган маҳсулоти қийматининг 80 фоизи ҳисобидан берилган бўнак пули ҳамда терим учун берилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилгандан қолган маҳсулотни топширилгандан сўнг 7 кун ичида тўлаб беришни ўз зиммасига олганди.

Бунинг устига томонлар ўртасида 2004 йил 17 ноябр куни тузилган якуний солиштирма далолатномасига асосан топширилган пахта хомашёсининг 80 фоиз нархи 2003 йил ҳосилининг 20 фоизлик тўловидан қолган 3.767.000 сўм билан биргаликда 57.981.000 сўмни ташкил этарди. **"Мен шартнома шартларини бажардим, пахта тозалаш корхонаси мутасаддилари ҳам лафзида туришади"**, деб ўйлаган деҳқон адашган экан.

Қисқаси, пахта тозалаш корхонаси мутасаддилари шартнома бўйича зиммаларига олган мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажармади.

Фермер хўжалиги раҳбари пул маблағи белгиланган муддатда ҳисоб рақамимга келиб тушса, янги трактор оламан, деб ният қилган эди. Бироқ унинг бу нияти ўз-ўзидан пучга чиқди.

Қўл қовуштириб ўтирса, пул осмондан тушмаслигини сезган фермер хўжалиги раҳбари ҳақини талаб қилишга тушди. У аввало, кўмак сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Шундан сўнг бошқарма ходимлари ёрдамида солиштирма далолатнома ва шартнома имзоланди, кеч бўлса-да, 80 фоизлик тўлов хўжаликка тўлиқ ундириб берилди.

Бундан ташқари, адлия бошқармасининг фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига киритган даъво аризаси бўйича суднинг 2005 йил 28 март кунги ҳал қилув қарори билан "Сардоба" пахта тозалаш корхонаси акциядорлик жамияти ҳисобидан 80 фоизлик тўловни белгиланган муддатларда амалга оширмагани учун 7.679.700 сўм жарима ундириладиган бўлди.

Завод раҳбари Ғ.Бойбўсиновнинг тузилган шартнома ижросига беписанд муносабати юқорида кўрсатилган зарарни келтириб чиқарди. Зарарнинг муайян қисми албатта айбдорлардан ундирилиши муқаррар.

Хулоса шуки, шартнома ижро этиш учун тузилади. Буни унутиш эса лафзсизлик, ҳамкор олдида юзшувутликка олиб келади.

А. ҚЎЗИЕВ,
ҳуқуқшунос

Xotira va Qadrlash kuni oldidan

ХОТИРА МУҚАДДАС, ҚАДР БАРҲАЁТ!

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Яқинда 100 йиллик тавалludини нишонлаш арафасида турган адибимиз Ойбекнинг «Қуёш қораймас» асари қаҳрамони Бектемир урушдан шундай мактуб ёзади: *«Дуойи салом, ҳурматли отамизга, меҳрибон онамизга, азиз акаларим — Тоҳир акамга, Шокир акамга, синглим Зайнабхонга, келин ойимларга, укаларим, жиянларимга, Ширин аммамга, Тожихон холамга, поччаларимга. Сўз шуки, мен соғ-саломатдирман, сизлар ҳам ул ерда соғ-саломат бўлинглар. Пешонамга ёзилганини кўриб юрибман. Нене кунларни кўрдик. У ёғини ўзингиз билурсиз. Асқар полвон ва Али акамлар бари саломат. Асло хавотир олманглар. Мен неча бор хат ёздим. Лекин сизлардан дарак йўқ. Келиб тегмоғи қийин бўлса керак. Ушбу адресга ёзсангиз, шояд етиб келар. Ҳаммаларингизни соғиндим. Тушларимга кирасиз. Дуода бўлинглар. Гитлерни яксон қилсак, яна дийдор кўришурмиз. Меҳрибонларим, мен сизга бир жонли совға юбордим. Зиночка деган рус қизи. Ўзи етим, онаси бомба остида қолган. Мен у қизни ўлимдан қутқардим. Сизга ялинаманки, ўз болангиздай, балки ундан ҳам ортиқ севиб, парвариш қилинглар. Ҳамма таниш-билишларга, ёр-оғайниларга саломимни топширурсиз. Бектемир".*

Бу албатта, бадиий асардан лавҳа. Мактубни тўлиқ келтиришдан муддаомиз шуки, унда уруш қийинчиликлари, урушда одамнинг жони ғанимат эканлигию, оддий ўзбек аскарининг руҳияти, инсонпарварлиги батамом очиб берилган. Аслида урушнинг жабру-жафоси, ситамлари ундан оғирроқ, даҳшатлироқ эди.

— **Оиламиздан, отамиздан бўладими, ё укамизданми бир хат келса, йиғлаб кутиб олардик. Худди ўзини кўргандай бўлардикда,** — дейди уруш қатнашчиси Муртазо Усмонов. — **Лекин қариндош-уруғларимиз, ҳамюртларимизнинг осуда ҳаёти учун, одамзодни фашизм деган балодан халос этиш учун жанг қилаётганимиз бизга таскин берарди, олға интилишга даъват этарди.**

* * *

Хотира ва Қадрлаш каби маънавий қадриятлар халқимизнинг тинчликпарварлик, бунёдкорлик мақсадларига ҳам ҳамоҳанг. Бошқача айтганда, бу маросим тинч-тотув юрт, ўткинчи ҳаётнинг қадрига етиш, бугунги кунларга шукроналик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилаяпти.

Яна бир масала шуки, кўп йиллар урушда ҳалок бўлганларга нисбатан "номаълум аскар" атамаси ишлатилиб келинди. Бу, шубҳасиз, отабоболаримиз жасорати ва унинг хотирасига ҳурматсизлик эди. Ахир, урушга кимлар кетгани, ким қандай фидойилик кўрсатгани маълумку?! Шаҳид кетганларнинг ҳар бири алоҳида шахс, киндик қони томган юрти, дунёга келтирган ота-онаси бор-ку?! ..

Эндиликда миллатимизга ёт бу каби қарашлар барҳам топган: Хотира майдони бунёд этилиб, у ердаги зарҳал саҳифалардан иборат **"Хотира китоби"**га уларнинг ҳар бирининг исм-шарифи муҳрлаб қўйилган. Шу кунларда **«Хотира китоби»**нинг қўшимча жилди тайёрланиб, унда мамлакатимиздан кетиб, жанггоҳларда қолиб кетган 15 минг нафардан зиёд ҳамюртимиз ҳақида маълумот тўпландики, бу яқинлашиб келаётган байрамга муносиб совға бўлди.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага 60 йил тўлаяпти. Ўша машъум уруш келтирган жабру-ситам, маломату йўқотишлар бани башар учун сабоқ бўлиши, халқларни баҳамжиҳат, тинч-тотув яшашга ундаши даркор эди. Таассуфки, шундан сўнг ҳам дунё алғов-далғов бўлиб, ягона заминда инсонлар эмин-эркин яшай олмаётган, айрим ҳолларда юрагини ҳовучлаб яшашга-да мажбур этаётган экан, бу миллион-миллион одамнинг ёстиғини қуритган ўша уруш ҳам айримлар учун сабоқ бўлмаганини кўрсатади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 84 ёшни қарши олаётган Икром Жалилов шулар ҳақида бош чайқаб гапирар экан, **"уруш деса, юрагим зирқирайди. Бирор жойда уруш бўлиб, қон тўкилаётганини эшитсам, дастлаб у ерда яшаётган одамлар, уларнинг тақдири кўз олдимга келади ва уларнинг айби нима ахир, деб ўйга толаман. Бирон-бир давлат ёки манфур гуруҳлар ўз манфаатини деб, босқинчилик қилиб, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаётгани кишини ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Биз XXI аср — илм-фан замонида яшаяпмиз. Дунё тараққиётнинг илғор марраларини эгаллаётган, уруш нима эканлигини, унинг моҳиятию жирканч оқибатини ҳамма тушунган бир даврда қон тўкилаётганини ўйласам, изтиробга тушаман",** дейди.

Уруш жароҳатлари қалбини ҳамон тимдалаётган отахоннинг бу кечинмалари, шубҳасиз, ҳар биримизни бугунги омон-омон замонлар, бинобарин, одамзодни фашизм исканжасидан қутқариб қолган халқимизнинг шавкатли ўғлонларининг қадрига етишга ундайди.

Бу йил юртимизда 9 май еттинчи маротаба **"Хотира ва Қадрлаш куни"** сифатида нишонланади. Аждодларимиздан мерос бу аньана мудом давом этажак. Зеро, инсон бор экан, хотира ҳам, қадрлаш ҳам ҳеч қачон эскирмайдиган инсоний мезонлардан бири бўлиб қолаверади.

Яқинда матбуотда Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-45 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди. Уруш қатнашчилари бу ҳужжатни ўзларига нисбатан чексиз ҳурмат, беғиҳоя миннатдорлик ва эҳтиром нишонаси тарзида қабул қилишганини эътироф этишмоқда.

Дарвоқе, хотира ва қадрлаш сингари қадриятларимиз – ёш авлод шуурида ўтганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш билан бирга, ота-боболаримиз жасорати қадрига етиш ва уларнинг эзгу ишларидан фахрланиш ҳиссини уйғотаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, миллатимизга мансуб бундай олижаноб фазилатлар фарзандларимизга албатта, мерос қолиши лозим. Ана шундагина халқимиз дунёда инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган, қўшаётган ва қўшадиган миллат сифатида барҳаёт яшайверади.

Мадамин САФАРОВ

ИНСОН МЕҲРИ



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Дам олиш кунларидан бирида Жарариқ кўчасига, Шоаҳмад ҳовлисига бордим. Оила ҳақида бирон нарса ёзиш ниятидаману, бироқ нима ёзишни ҳали ўйлаб кўрганимча йўқ. Ҳар ҳолда очерк ёзишни мўлжаллаяпман. Уйдан Баҳри опа чиқиб келди, худди фикримни уққандек, ҳали ҳеч нарса сўрамасимдан ўзи гап бошлади:

— Шукур, болали уй бозор, деб шуни айтишса керак-да, шулар баҳона не-не одамлар келишяпти уйимизга... Ҳозир акангизни чақираман, — деб устахона томон кетди.

Шу куни Шоаҳмад ака, Баҳри опалар билан узоқ суҳбатлашдим.

— Ҳайрон бўлманг, ука, болалар бошқа жойда ҳам очяланғоч қолмайди. Бу тўғри, илло биз, улар ота-она меҳридан баҳра олишармикан, етимликни ҳис этишмасмикан, деймиз-да, — дея шундай болалардан яна ўз тарбиясига олиш ниятида эканини баён этишди эр-хотин.

Шу-шу бу хонадонга тез-тез келадиган бўлиб қолдим. Кейинчалик "Шоаҳмад ака, мени ҳам уй дафтарингизга тиркаб қўядиган бўлдингиз", деб ҳазиллашсам, у киши "Уй дафтари бир қоғоз, кўнгил дафтарига ёзаман", деган эдилар».

Шоаҳмад акалар яна бир неча болаларни уйларига етаклаб келишади. Булар орасида кўринишидан беш-олти ёшлардаги Федя ҳам бор эди. Қизиқ бўлган экан, Баҳри опа Федяни ювинтириб, кийинтираётганида исмини сўрайди. У ўз исмини бир нарсадан чўчигандек айтадию, ота-онасиникини эслолмайди. Шунда Баҳри опа эрига қараб, акаларига йўлдош бўлиб юрсин, исмини Йўлдош қўя қолайлик, дейди. Бу фикр Шоаҳмад акага ҳам маъқул тушади. Бола ҳам майли деганча эгнидаги янги кийимларидан хурсанд бўлиб Баҳри опанинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олади...

Уруш тугагач, биз ҳикоя қилган темирчи Шомаҳмудовлар оиласидаги ўн тўрт нафар турли миллатли ўғил-қизлар ўсиб, улғайиб, ҳунарли бўлишди. Баҳри опа билан Шоаҳмад акалар кетма-кет тўй кўришди, қиз чиқариб, ўғил уйлашди. Ўғил-қизларнинг кўплари хизматлари туфайли республикамизнинг турли шаҳарларига кўчиб кетишди. Оила бошлиғи — бағри кенг, меҳри дарё Шоаҳмад ака икки кам саксон ёшда оламдан ўтдилар. Табаррук ая — Баҳри опа келин бўлиб тушган қадрдон ҳовлисида яна кўп йиллар умргузаронлик қилиб, тўқсонни қоралаганда, бу дунёни тарк этдилар. Дарвоқе, улар истиқомат қилган кўча эндиликда Шомаҳмудовлар кўчаси деб юритилади. Бугина эмас, Тошкентнинг қоқ марказида, Халқлар Дўстлиги майдонида буюк инсонпарвар Шоаҳмад ака, Баҳри опага — Инсон меҳрига қўйилган ҳайкал бор. Тошкентга қадам ранжида қилган меҳмон борми, сайёҳ борми, бу даргоҳга ташриф буюрмай, инсоният тарихида ҳазрати инсон меҳрига қўйилган биринчи ва ягона ҳайкални зиёрат қилмай кетолмайди...

...Гапни бу аҳил оиланинг бир ўғли Йўлдош — Федя акадан бошлаган эдик. У киши табиатан босиқ, тўғри сўз, пок қалбли, ёлғонни, ўзига сингдиролмайдиган инсон Раҳмат Файзиевга "ота" дея мурожаат қиларди. Ёдимда бир куни бизникига келдилар. Қандайдир қоғозлар, дафтарлар кўтариб олганди. Булар архив ҳужжатлари эди. Аллақандай рўйхатдан Кульчиковский фамилиясини кўрсатди. Яна нималарнидир аниқламоқчи эканликларини маслаҳатлашди. Орадан бирон ойча вақт ўтгач, яна келди. Бу safар Днепропетровск вилояти Васильковский туман газетаси ходими телефон қилганини, буви ва холаси ҳаёт эканлигини айтиб, у ерга бомоқчи эканлигини ҳаяжонланиб гапирди. Ўшанда бу дунёда Федя акадан бахтли инсон йўқ эди.

Беш ёшида киндик қони тўкилган қулбасидан жудо бўлиб, бегона юртга, нотаниш одамлар бағрига келиб қолган, эндиликда ўзи неварали бобонинг ўз жигаргўшаларини

1943 йил олинган суратлар (архивдан).

қўмсаши, соғиниши даҳшатини фақат қоғоз кўтаради, қулоқ эшитади, холос. Бошдан кечиришни тасаввур қилиш мушкул. Бошидан ўтгангина билади бу азобни.

Федя ака 1986 йилнинг бошида ўз хешларини топди. Днепропетровскдаги Письменное қишлоғида истиқомат қилаётган 104 ёшли бувиси Дарья Алексеевна, 70 ёшли холаси Вера Иванова билан 45 йиллик жудоликдан сўнг дийдор кўришди. Бир-бирига талпинган, илҳақ, интизор қалблар топишишганди.

Федя ака бу учрашувни оиламиз аъзоларига бирма-бир ҳикоя қилишдан чарчамасдилар. Ўз яқинларини топиб ҳам Тошкентни тарк этмаган "тутинган ўғил" орадан анча вақт ўтгач, хизматчилик, қолаверса, тақдир тақозоси билан Украинага кўчиб кетди. Ўшанда (2000 йил, қиш фасли эди) опажоним билан узоқ суҳбатлашдилар, "ота"ларини ёдладилар ва мақсадини айтиб, онажонимдан оқ фотиҳа сўради...

Федя ака ҳали-ҳануз Тошкентга, улғайган даргоҳига қайтиш ниятида, бу юртни кўп қумсайди. Буни мен ҳар safар улар билан қўнғироқлашганимда, хатхабарлашганимда ҳис қиламан. **"Ўзбекона меҳр-оқибатни ҳеч қаерда туймадим"**, дейди у киши.

Аслида болажонлик, оқибатлилик сингари фазилат, хислатларнинг мағзида абадий ва мангу, бир умрга татигулик ўзбекона меҳр-мурувват туйғуси мужассам. Шу боис ҳам, уруш етимлари Ўзбекистондан паноҳ топди, Ўзбекистонни ўз Ватани деб билди. Зеро, замон-замон бўлиб, макон-макон бўлиб, бундай меҳр-мурувват, меҳр-оқибатни кўрмаган эди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
журналист

Huquqiy ma`rifat

Маълумки, Парлемент фаолиятини тартибга солишда регламент муҳим аҳамиятга эга. Палаталар регламентларида Парламент тартиб-қоидаларига оид кўпдан-кўп масалалар тартибга солинади.

ПАРЛАМЕНТ ВА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИ: МУВОФИҚЛАШТИРИШ МЕЗОНИ

Таъкидлаш жоизки, жаҳон парламентаризми тажрибасида қонун чиқариш фаолияти соҳасида палаталар тенг ҳуқуқларга эга ва улар ўртасида қонунни қабул қилиш юзасидан келишмовчиликлар чиққан ҳолларда уларни муросага келтириш тартиб-қоидалари қўлланади. Бунда қонуннинг ўзаро мувофиқлаштирилган матнини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш "моки" усулида амалга оширилиши мумкин. Бошқача айтганда, палаталардан бири бошқа палатанинг таклифларига рози бўлмагунича ёки қонун лойиҳаси узил-кесил рад этилмагунича мазкур ғонун лойиҳаси бир палатадан иккинчи палатага юборилаверади. Бундан ташқари, палаталар келишув қўмиталари тузиш усули орқали ҳам бу муаммони ҳал этиши мумкин. Бунда палаталар топшириғига биноан махсус комиссиялар, қўмиталар ёки бошқа органлар қонун лойиҳаси матнини мувофиқлаштиришни амалга оширади

Қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг бундай тажрибаси мамлакатимиз парламенти учун долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода **Олий Мажлис палаталарининг регламентлари** уларнинг самарали фаолият юритишини кафолатлаши лозим. Конституциямизнинг 84-моддасига мувофиқ қонун дастлаб Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим; иккинчидан, Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда у имзоланиш ва эълон қилиниш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Қолаверса, Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак. Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатда қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонунлар қабул қилиш тартиби, шунингдек, келишув тартиб-қоидалари Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда анча мукаммал тартибга солинган. Жумладан, уларда қонун лойиҳасининг қуйи палатадан ўтиши, уни юқори палатада кўриб чиқиш тартиби, келишув комиссиясининг таклифларини қуйи палатада кўриб чиқиш тартиби ҳамда қуйи палатада қайта кўриб чиқилган қонунни юқори палата томонидан маъқуллаш тартиби белгиланган. Табиийки, мазкур тартиб-қоидалар палаталарнинг регламентларида батафсилроқ тартибга солиниши лозим. Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентлар, Конституция ва Конституциявий қонунларнинг қоидаларига мувофиқ Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун лойиҳасининг Сенатда ўтишини, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган келишув комиссияси ишининг тартиб-қоидаларини (қонун Сенат томонидан рад этилган ҳолда), шунингдек, қонунни палаталар томонидан қайта кўриб чиқиш тартибини ва бошқа масалаларни тартибга солади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qilmish-qidirmish

НАФСНИНГ ЁМОНИ – БАЛОНИНГ КОНИ

Гарчанд айбдор ўз қилмиши учун суд ҳукмига кўра тегишли жазони олган, келтирилган зарарларни қоплаган бўлса-да, воқеа тафсилотларини баён этишимизнинг сабаб йўқ эмас.

Чунки ўзига топширилган вазифа сабабли ҳар кун кўплаб миқдордаги пул муомиласида бўлгувчи инсонлар ҳисоб-китобни ҳамиша қонун талаблари даражасида бажаришлари шарт ва зарурдир. Ана шу талабларга амал қилмаган масъул ходим эл ўртасида юзшувит бўлиши аниқ.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Денов тумани "Халқ банки" бўлимига қарашли 051-сонли шаҳобчада ҳисобчи-назоратчи вазифасида ишлаб келган Акрам Айтувганов нафсининг ҳақалак отаётганини сезмай қолди шекилли, тумандаги нотариал хизмати идораларидан тушган маблағларни хазинага кирим қилмасдан жуда кўп миқдордиги пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборди. Жумладан, тумандаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Ўткир Раҳмонов томонидан фуқаролардан нотариал хизмат учун олинган 1 миллион 790 минг сўм нақд пулни талон-тарож этди. "Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилида иш тутган ҳисобчи бу билан чекланмай, яна қинғир ишини давом эттирди.

У бошқа нотариуслар томонидан мижозларга кўрсатилган хизматдан тушган ва давлат банкига топширилиши лозим бўлган маблағларни ҳам чўнтагига уриб, қўй оғзидан чўп олмагандек юраверди. Бироқ ҳар бир нарсанинг меъёри бор деганларидек, ҳисобчи-назоратчининг фаолияти тафтиш қилинганда унинг кирдикорлари ошкор бўлди. Акрам Айтувганов қарийб икки йиллик фаолияти мобайнида давлат нотариал идораларидан фуқароларга кўрсатилган хизмат ҳақи ҳисобидан 2 миллион 370 минг 321 сўмлик маблағларини талон-тарож қилган экан.

Суд жараёнида А.Айтувганов давлатга келтирилган моддий зарарни тўлиқ тўласа-да, жиноят ишлари бўйича Денов тумани суди унга нисбатан жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмига биноан айбдор А.Айтувганов энг кам иш ҳақининг 300 баробари миқдорида, яъни 1 миллион 632 минг сўмлик жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

Шу тариқа қинғирлик Акрамга қимматга тушди. У тузуккина иш жойидан ажралиши баробарида элу-халқ ўртасида бошини эгиб қолди. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Равшан МУҲСИНОВ,
ҳуқуқшунос,
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

МЕРОСДАН МАЖБУРИЙ УЛУШ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Қонунчиликда меросхўрнинг ўзига тегишли бўлган меросни ёки унинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгалиги кафолатланган. Борди-ю у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса, васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан унга эга бўлади.

Хўш, у ҳолда меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи қандай? Кимлар бундай ҳуқуққа эга?

Бу каби саволларга жавобан шуни айтиш жоизки, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, фарзандликка олган болалари, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шунингдек, унинг ўзини фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб олади. Фуқаролик кодексида белгиланишича, тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб олиш мажбурий улуш саналади.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бironта асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, жумладан, уй жиҳозлари, рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган меросниг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатан ҳақиқий ҳисобланади.

Шаҳоб ҲАЙДАРОВ

Jahon tajribasi

ХАЛҚ ФИКРИ – АСОСИЙ МЕЗОН!

Жазонинг энг оғир тури бўлган ўлим жазоси қадимдан қўлланиб келинган, бироқ тараққиёт илгарилаган сари ундан воз кечилган. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг бир юзу йигирмага яқин давлатларида ўлим жазоси расман бекор қилинди.

Шунингдек, кўплаб мамлакатлар қонунчилигида ўлим жазоси нисбатан камайтирилди. Лекин ривожланган давлатлардан бири бўлган Япония қонунчилигида мамлакатнинг ички ҳаётига хавф солувчи ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракатга нисбатан ўлим жазоси қўлланилади. Шунингдек, Япония Жиноят кодексида яна ўн уч турдаги жиноятларга ўлим жазоси қўлланилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, мамлакат ички ҳаётига хавф солувчи қуролли ҳаракатлар содир этилганлик, турар жой бинолари ва турар жой учун мўлжаллаб қурилаётган иншоатларга ўт қўйганлик, фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солувчи ёки ўлимига сабаб бўлувчи ҳалокатларга сабаб бўлган ҳоллар, зўрлаш ва қароқчилик жиноятлари ҳамда бошқа бир неча турдаги оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноят содир этилганида, фуқаролар ҳаётига хафв солиш мақсадида портлатувчи қурилмалар ишлатилганида, самолёт ўғирлаган ёки ўғирлашга ҳаракат қилган жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилади.

Шу билан биргаликда, Япония Жиноят кодексида айрим ҳолларда ўлим жазосини чекловчи моддалар ҳам мавжуд. Масалан, Япония қонунчилиги вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси қўллашни таъқиқлайди. Шунингдек, Япония қонунчилигида ўлим жазосини ҳукм эълон қилинганидан кейин қанча муддатда, қачон ва қай ҳолатда ижро этилиши ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, олий жазога ҳукм қилинган жиноятчи қамоқхонада осиб ўлдирилади. Ҳукмни ижро этиш ҳақидаги ҳужжатга Япония адлия вазири, жазо ҳақидаги ҳукм энг юқори инстанцияда ҳам ўз тасдиғини топгандан сўнг орадан роппа-роса олти ой муддат ўтгач, имзо чекади. Адлия вазири ўлим жазосини ижро этиш ҳақидаги буйруққа имзо чеккач, ҳукм беш кун ичида ижро этилади. Шунингдек, ўлим жазосини қўллаш ҳолатлари ҳам ўта махфий сақланади. Ўлим жазосига ҳукм қилиниб, ҳукм ижро этилганлар ҳақидаги ахборот ҳам фақат ҳар йилда бир марта статистик ахборотномада эълон қилинади. Ушбу статистик ахборотларда ҳам ўлим жазоси қўлланилган фуқаронинг исм-шарифи ва ҳукм ижро этилган вақт ошкор этилмайди. Жиноятчининг қариндош-уруғлари ва адвокатлари ҳам хабардор қилинмайди. Улар ҳукм ижро этилгани ҳақидаги хабарни маҳкумнинг шахсий буюмларини олиш учун чақиртирилганларидагина билишарди.

1990 йилларнинг бошларига келиб, Японияда қонунчиликдан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ҳақидаги баҳс-мунозара кучайди.

Шунинг натижасида 90 йилларнинг ўрталарига келиб ўлим жазосини қўллашни янада камайтирди. Агар яна мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 1996 йилда 3 нафар жиноятчига нисбатан ўлим жазоси қўлланилган. 1997 йилда эса бу рақам 1 нафарга ортган. 1998 йилда ҳам 4 нафар жиноятчига нисбатан ўлим жазоси татбиқ этилган. Кейинчалик "Жапан Тайме" газетасининг ёзишича қараганда, бу вақтда ҳукумат ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида бош қотирмаётган экан. "Аксинча, ўлим жазосини ижро этиш ҳақидаги буйруққа имзо чекиши керак бўлган айрим вазирлар бу масъулиятни ўз зиммаларидан соқит қилишга ҳаракат қилишганди", деб ёзади газета ўз мақоласида ва бунга бир қанча мисоллар келтиради.

Масалан, 1993 йилда Япония Адлия вазири сифатида фаолият кўрсатган М. Готода уч нафар жиноятчига нисбатан ўлим жазосини қўллаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекади. Ва "вазир ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз шахсидан кўра давлат тинчлиги ва қонунчилигини ҳурмат қилиши керак, шундай экан, мен амалдаги қонунчиликка асосан чиқарилган суд ҳукмини бекор қилиш қонунга нисбатан ҳурматсизлик бўлади, деб ҳисоблайман", деб таъкидлайди. 1993 йилнинг август ойида М. Готоданинг ўрнига Япония Адлия вазири бўлган А. Микадзуки ҳам уни қўллаб-қувватлайди ва қонун ҳамда қонун асосида чиқарилган суд ҳукмларини ҳурмат қилишини, агар қонун тақозо этса, ўлим жазосини ижро этиш ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекиш унинг бевосита вазифаси бўлгани учун ҳам бу масъулиятли ишдан бўйин товламаслигини билдиради.

1998 йилдан бошлаб Япония ҳукумати амалдаги қонунчиликдан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ёки олиб қолиш масаласида расман ишга киришди. Айни пайтда бу масала билан қуйи палатанинг ҳуқуқий муаммолар қўмитаси шуғулланмоқда. Ҳукуматнинг бир неча йиллардан буён аниқ бир қарорга келолмаётгани эса сайловчилар, яъни оддий фуқароларнинг бу ҳақдаги фикрларини ўрганиш учун анчагина вақт кетиши билан асосланмоқда. Япония матбуоти ҳам бу борада вақти-вақти билан ўз қарашларини, шунингдек, сўровлар натижасини эълон қилиб бораяпти.

Хулоса қилиб айтганда, Япония давлати ўз қонунларидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш учун ўзига хос анъанавий йўлдан бормоқда. Япония ҳукумати ва парламенти учун бу борада асосий мезон халқнинг фикридир. Агар халқ ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш фикрида якдил бўлса, шундай қарор қабул қилинади. Агар умумхалқ сўровида қатнашганларнинг кўпчилик қисми Жиноят кодексининг айрим моддаларида ўлим жазони сақлаб қолиш фикрини ёқлаб чиқса, ўз-ўзидан худди шундай йўл тутилади.

Мардонбек БОБОЖОНОВ

Jinoyat va jazo

НОШУКУРЛИК

СУД ОЧЕРКИ

ГАРОВГА ТИКИЛГАН ҲАЁТ

Ҳаёт гултожи бўлган аёл ҳамиша муқаддас ва мукаррам зот саналиб келган. У туфайли оила мустаҳкам, фарзандлар эса баркамол бўлиб вояга етади. Аёл бор жойда адолат барқарордир. Бироқ ҳаётда билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган хотин-қизлар ҳам борлиги афсусланарлидир. Ҳатто гиёҳвандлик каби ўта хавфли қилмиш билан боғлиқ баъзи нопок ишларда уларнинг ҳам қўли борлиги кишини айниқса, ташвишга солади. Қуйидаги мисол шу ҳақда.

"Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, Аҳмад Пўлатов яна гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиш пайига тушди. Ана шу нопок ниятни амалга ошириш учун эски таниши — Жиззах темир йўл бекати ходими Назиркул Каримовнинг қўйнига кўл солиб кўрди. Буни қарангки, Назиркул ҳам дарҳол унинг фикрига қўшилди. Шу тарзда икки ўртада пинҳона режа тузилди. Унга кўра Н.Каримов тахминан 1 килограмм миқдордаги "героин" гиёҳванд моддасини топиб, Тошкент шаҳрига олиб келиб бериши, А.Пўлатов эса олдиндан тил бириктирган жиноий шериги, аниқроқ қилиб айтганда, поччаси Ш.Холбоев билан товарни пуллаши керак эди. Ахир, қимматбаҳо металлар ноқонуний савдоси бўйича танилган Павел деган кимса шунча миқдордаги товарга оз эмас-кўп эмас, нақд 20.000 АҚШ доллари тўлашга рози бўлгандида...

Ана шундай мўмай ўлжани қўлдан чиқариб юбормаслик учун Назиркул ўзининг жиноий тўдаси билан келишиб, орадан бир неча кун ўтгач, Аҳмадни излаб топди.

— "Героин" топиб берамиз, — деди Назиркул, — лекин унинг 1 килограмми нархи 11.000 АҚШ долларига тенг. Шунга рози бўлсангиз, ҳозирнинг ўзида "дори" қўлингизда бўлади!

Аҳмад унинг қўлига 2000 АҚШ доллари тутқазди, сўнг нариги хонадан ҳали балоғат ёшига етмаган Жамшид Холбоевни чақирди.

— Қолган 9.000 долларни қайтаргунимизча бу йигитчани гаров тариқасида сизга топшираман, — деди у. — Онаси билан келишиб қўйганман. Жияним бўлади...

Назиркул ҳали балоғат ёшига етмаган масъум болага тикилиб туриб, бир неча кун илгари ишхонасига келиб, Аҳмаднинг "закази"ни тезлатасанми-йўқми, деб дўқ урган Каромат Холбобоевани эслади. Ичида Аҳмаднинг гапи тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Қисқаси, ўша кун Назиркул гаровдаги йигитчани қўйдек етаклаб, аввалига жиноий шериги Фахриддин Хўжанов, кейин унинг қўшниси У.Саиткуловнинг уйига келди. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз.

(Давоми тўртинчи бетда)

Бу мавзу юзасидан оммавий ахборот воситаларида жуда кўп марта фикр юритилган. Мамлакатимиз раҳбари ҳам деярли ҳар бир маърузасида мансаб кимгадир туҳфа қилинган мукофот эмас, аксинча, халқ олдидаги масъулият эканини қайта-қайта таъкидлайди. Лекин таҳририят хатқутисига келиб тушаётган айрим мактублар билан танишсангиз, орамизда ўзларига берилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилаётган кимсалар ҳамон борлигига гувоҳ бўласиз.

МАНСАБ – МУКОФОТ ЭМАС

"Мен Замира Ҳосилова Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, О.Маҳмудов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги Таварон қишлоғидаги "Жасурбек" номли фермер хўжалигининг раисасиман,– деб бошланади мактуб. — Каттақўрғон тумани ҳокимининг 1998 йил 17 апрелидаги қарорига биноан бизга Оқдарё бўйидаги жойдан 10,5 гектар ер майдони ажратиб берилганди. Дарё бўйида бўлгани учун бу ерни туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси тасарруф этар экан. Инспекциянинг рухсати ва туман ҳокимининг қарори билан ерни ўзлаштиришга киришдик. 1998 йилги сув тошқини оқибатида бир йиллик меҳнатимизга куйдик. Шунда ҳам қўлимиз ишдан совугани йўқ. 1999 йилда ўз ёнимиздан иккита трактор ёллаб, дарё қирғоғини тўсдик. Туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда, ўзимиз ўзлаштирган ер майдонига шоли уруғи қададик.

Буни қарангки, ерга шоли уруғи қадалгач, ширкат хўжалигининг ўша пайтдаги раиси Н.Элмаматов ер майдони ширкат хўжалиги ҳисобига ўтганини маълум қилди ва ерни қайтариб бериш ёки олинган ҳосилнинг 50 фоизини ширкат хўжалигига топшириш лозимлигини айтди.

Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг биз ширкат хўжалигига 1999 йил ҳосилидан 5750 килограмм шоли топширдик. Лекин ширкат хўжалигидагилар уни 5250 килограмм, деб қайд этишди.

2000 йилнинг март ойига келиб биз ўзимиз ўзлаштирган ерда фермер хўжалиги тузиш ҳақида ширкат хўжалиги раисига ариза билан мурожаат қилдик. Бу пайтга келиб ширкат хўжалигини Ш.Очилов бошқарарди. У аввалига аризамизни олмасдан овора қилди. Кейин эса "бу масалани ширкат хўжалигининг умумий мажлисида кўриб чиқамиз, унгача ернинг 5 гектарига пахта, 4 гектарига буғдой экасизлар. 1,5 гектарини эса хўжаликка қайтариб берасизлар", деди. Бунисига ҳам рози бўлиб, ўша йили звено тариқасида ишладик. 4 гектар майдонга экилган буғдойнинг уруғи ва техникаси ҳам ўз ҳисобимиздан бўлишига қарамасдан, ўрим пайтида Ш.Очилов келиб, "Буғдойни тўлиқ ширкат хўжалигига топширасизлар. Буғдойнинг таннархи ва меҳнат ҳақларингизни маош сифатида ёзиб берамиз", деб туриб олди. Шундай қилиб, уч тонна буғдой ва 5 гектар ер майдонидан йиғиб олинган пахта ҳосилини ширкат хўжалигига топширдик.

Хуллас, 2000 йилнинг ҳосилини йиғиб-териб топширгач, яна Ш. Очиловнинг олдига фермер хўжалиги тузиш ҳақидаги ариза билан кирдик. Ш.Очилов масаламиз хўжаликнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилгани ва бизга фермер хўжалиги тузиш учун қарор чиқарилганини айтди. Хўжалик идорасидан қарорни олиб, кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Яна ўзимизга тегишли ерга маҳаллий ўғитлар билан ишлов бериб, 2001 йил ҳосили учун тайёрладик. Лекин 2001 йилнинг март ойига келиб, Ш.Очилов бизни чақиртириб, "сизлар у жойга экманглар. Энди у ер бошқа одамга тегишли", деб айтди. Ўзи чиқариб берган қарорни кўрсатсак, «бу қарорга мен қўл қўймаганман. Унга бош ҳисобчи Р.Эргашев имзо чеккан», деди.

Эҳ-ҳей, ана шундан кейин биз кўп овора бўлдик. Ва ниҳоят, 2001 йилда ҳуқуқий ёрдам сўраб "Инсон ва қонун" таҳририятига ариза йўлладик. Таҳририятнинг аралашуви, Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг кўмаги ва туман прокуратурасининг ёрдами туфайлигина 2001 йилнинг охирига келиб, "Жасурбек" номли фермер хўжалиги тузиб, унинг муҳр ва штампларини қўлимизга олдик. Қилган ёрдамларингиз учун сизларга яна бир марта миннатдорчилик билдираман. Хуллас, 2002 ва 2003 деҳқончилик йилларида самарали меҳнат қилдик. 2002 йилда давлатга пахта ва ғалла сотиш режаларини ортиғи билан уддаладик. Лекин 2003 йилга келиб дарёнинг суви кўтарилиши натижасида биз ўзлаштирган жойлар деҳқончилик учун яроқсиз бўлиб қолди. Бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат қилдик. Комиссия келиб текшириб, ерларнинг деҳқончиликка яроқсизлиги ҳақида далолатнома тузиб бериб кетди.

Шундан кейин биз ширкат хўжалиги раиси Р. Мамановга ва вақтинчалик туман ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Жияновга ариза билан мурожаат қилдик. Уларнинг бизга берган жавоб хатларида ер майдонимизга туташ бўлган 16-бригадага қарашли 42 гектар ер

Tahlil va saboq

2004 йилнинг 25 апрелидан олиб берилиши кўрсатилган. Бу ҳақда туман ҳокимининг қарори ҳам мавжуд. Афсуски, яна қувончимиз кўпга чўзилмади. Яна раис ўзгарди. Кейингилари аввалгилари қилган ишлар, чиқарган қарорларни тан олмасликлари оқибатида биз яна ерсиз қолдик.

Гапнинг қисқаси, биз айрим раҳбарларнинг "бор отангга, бор онангга", қабилида иш тутишларидан чарчадик. Яна сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Илтимос, бизнинг фермер хўжалигимизни ер билан таъминланишига ёрдам берсангизлар..."

Бу мактубни ўқиб, кўнгилда шундай савол туғилади: хўш, бугун мамлакат бўйлаб фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзаётган, ҳукумат томонидан улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бир пайтда нега бундай ҳолат содир бўлаяпти? Нега деҳқон айни далага уруғ қадаши керак бўлган энг масъулиятли пайтда ўз даласида эмас, балки идорама-идора арзгўйлик қилиб юрибди?

Азиз муштарий, биз мақоламиз сўнггида аввалги чиқишларимизда айтган бир гапимизни яна такрорлашни лозим топдик. Мақола ёзишдан муддаомиз кимнидир коралаш ёки оқлаш эмас, аксинча, мавжуд муаммоларни бартараф этишга ёрдам беришдан иборат. Шу маънода раҳбар ходимлар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишса, ўйлаймизки, ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмайди.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat anatomiyasi

Дунёдаги турли хил миллатлар ҳаётида турфа хил урф-одат, анъана ва тартиб-қоида, қарашлар мавжуд. Айниқса, баъзи давлатларда бевосита аёлларга дахлдор шундай тартиб-қоидалар жорий этилганки, четдан қараганда кишига бу ҳол дафъатан ғайритабиий туюлиши мумкин.

Қуйида ана шундай ғаройиб қонунлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

АЖАБТОВУР ҚОНУНЛАР

АҚШнинг Флорида штатида ҳали турмуш қуришга улгурмаган аёлларга якшанба кунлари парашютдан сакраш таъқиқлаб қўйилган. Бундай таъқиқлар фақат шу билан чекланмайди. Бундан ташқари, ҳали чимилдиқ кўрмаган қизлар чўмилиш кийимида қўшиқ куйлаш, яланғоч ҳолда душ қабул қилиш ва бир кунда уч донадан ортиқ идиш-товоқ синдириш ҳамда сочини қуритаётган пайтда ухлашга йўл қўйилмайди.

Хўш, бирон-бир навниҳол қиз фалокат босиб, жорий этилган бундай тартиб-қоидани бузса, унга нисбатан қандай чора кўрилади, дейсизми? Албатта, бундай хатти-ҳаракат ҳеч қачон чора кўрилмасдан қолиб кетмайди. Аниқроқ айтганда, қоидабузар аёлларга нисбатан катта миқдорда жарима солинади.

Кентукки штатида эса бундан ҳам ғаройиб тартиб-қоида жорий этилган. Яъни бу ерда чўмилиш кийимидаги аёл катта йўлда юриши маън этилади. Фақат ана шундай кийим кийган аёлнинг ўзи белкурак билан қуролланган ёки уни икки нафар полиция ходими кузатиб келаётган бўлса, жавобгар ҳисобланмайди. Шунингдек, бу тартиб фақат вазни 40 килограммдан кам бўлмаган ва 90 килограммдан ортиқ аёлларга тегишлидир.

Боливияда эса аёллар бар ёки ресторанларда бир кружкадан ортиқ вино ичиши таъқиқлаб қўйилган. Бунинг сабаби оддий. Спиртли ичимликни меъёридан ортиқ истеъмол қилган аёлнинг хаёли бузилиши эҳтимоли юқори бўлар экан. Албатта, бу фикрда ҳам жон бор. Шу боисдан ҳам бу тартибга бўйсунмаган аёлларга нисбатан 100 АҚШ доллари миқдорида жарима қўлланиб қолмай, бундай қоидабузарлик "жабрдийда" эрлар учун ажралишга асос ҳам бўлади.

Энди ўзингиз ишонч ҳосил қилдингизми, 50 грамм ортиқча "отиш" қандай кўнгилсизлик оқибатларга олиб келаркан...

АҚШнинг яна бир штати — Делаверда бундан ҳам антиқа тартиб мавжуд. Яъни аёлларни таъқиқланган хатти-ҳаракат содир этгани учун ҳибсга олиш мумкин. Хўш, бу "рухсат этилмаган хатти-ҳаракат" нимадан иборат дейсизми? Бу жуда оддий. Ҳатто бир қарашда бундай хатти-ҳаракат замирида бирон-бир жиноят аломати борлигини илғаш ҳам мушкул. Яъни аёл ўзи танланган эркакка биринчи бўлиб тўй ҳақида гапириши мумкин эмас...

Албатта, ҳаётда аёлга қўл кўтариш, уни таҳқирлаш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Айниқса, бемаҳал қўл кўтариш эса бундан ҳам ёмон экан. Буни Лондон шаҳри аҳолиси ҳам юз фоиз тасдиқлайди. Нега десангиз, бу шаҳарда эр ўз хотинини кечки соат 21.00 дан кейин калтаклаши таъқиқлаб қўйилган. Бунинг сабаби оддий: эрхотиннинг белгиланган вақтдан кейинги уруш-жанжали шаҳар аҳли тинчлигини бузиши мумкин. Бундай тартибни тан олишни истамай ўз билганидан қолмаган эркак жавобгарликка тортилади. Ҳа, шўрлик эрларга осон тутиб бўлмайди. Лекин қонун ўз номи билан қонун. Унга бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Шу боис лондонлик эрлар кечки 21.00дан сўнг асаблари нечоғлик титраб-қақшамасин, тилини тишлашга мажбур.

Мексикада эса аёллар орасталигига жуда ҳам катта эътибор билан қарашади. Оддийгина бир мисол. Аёллар юзини тук босган ҳолда кўчага чиқса, жиддий чора кўрилади. Яъни оммавий тарзда аёлнинг юзидаги туклар қириб ташланади. Бу жазонинг қанчалик шафқатсизлигига энди ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилгандирсиз?! Шу боис кўчага отланган мексикалик ҳар бир аёл ўзини кўзгуга солишга мажбур.

АҚШнинг Сент-Лунсе штатида эса аёлларга нисбатан бундан ҳам шафқатсизроқ қоида амалда жорий этилган. Гап шундаки, яланғоч, шунингдек, халат ёки тунги кўйлакда бўлган аёл кутилмаганда ёнғин ичида қолса, уни қутқаришга ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмайди. Нега десангиз, ана шундай кийимда бўлган аёлларни ўт ўчирувчилар қутқариши таъқиқлаб қўйилган. Бундай тартибни жорий этишдан қандай мақсад кўзланганини англаш қийин. Бироқ шу пайтга қадар бу тартибни ҳеч ким бузгани йўқ.

Биз юқорида дунёнинг баъзи давлатларида аёлларга нисбатан жорий этилган ғайриоддий қоидалар хусусида ҳикоя қилдик. Шу ўринда сизнинг кўнглингизда аёллар ўз йўлига, эркакларга нисбатан ҳам шундай антиқа тартиб-қоидалар ҳам борми, деган савол туғилиши табиий.

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, эркакларга нисбатан ҳам шундай ғайритабиий тартиблар йўқ эмас. Мисол учун АҚШнинг Иллинойс штатида мўйлов қўйган эркакларга осон тутиб бўлмайди. Чунки бу штатда мўйлов қўйган эркакларнинг аёллар билан ўпишиши таъқиқлаб қўйилган.

Гана мамлакатида эса 1994 йилдан бошлаб ғалати тартиб жорий этилди. Яъни ҳали 18 ёшга тўлмаган қизга кўнгил қўйган йигитнинг бисотида авввало 50 АҚШ доллари, битта қўй ва уч шиша ичимлиги бўлиши шарт. Хўш, булар нега керак дейсизми? Гап шундаки, ҳалиги қиз кутилмаганда, ҳомиладор бўлиб қолса, йигитнинг бисотидаги мол-мулк жарима ўрнида тўланади.

Ганадаги бу тартиб ҳам ҳали ҳолва экан. Чунки бошқа бир мамлакат — Маданг ўлкасида (Янги Гвинея) хиёнатга учраган эр хотинининг ўйнашини бошини танидан жудо қилиш ҳуқуқига эга. Энг даҳшатлиси, айбдор қатл олдидан ўз маъшуқасининг кесилган бармоғини ейиши шарт. Мана буни ҳақиқий жазо деса бўлади.

Кармел шаҳри (Нью-Йорк штати)да эса эркакларнинг ҳақ-ҳуқуқи жуда ҳам чеклаб ташланмаган. Фақат бир ҳолат бундан мустасно. Яъни бу шаҳарда яшайдиган эркаклар турли хил рангдаги кийим-кечак кийиши таъқиқлаб қўйилган. Эркакларга нисбатан нега бундай таъқиқ қўйилгани сабабини англаш қийин. Худо кўрсатмасин, бирон-бир кимса боши айланиб турли хил рангдаги кийим-кечак кийишни кўнгли тусаб қолса, бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди. У оз эмас, кўп эмас, 500 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайди, холос...

Дунё турфа хил. Унда яшайдиган миллат ва халқларнинг тутими, урф-одати, амал қиладиган тартиб-қоидалари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Қайси бир халқнинг яшаш тарзи, жорий этган тартиб-қоидалари бошқалар учун қизиқ ва ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам, бу ҳаёт шу жиҳатлари билан гўзал ва жозибалидир. Тўғри эмасми?!.

Шуҳрат ҲАЙДАРОВ

Huquqiy ma`rifat

ПАРЛАМЕНТ ВА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИ: МУВОФИҚЛАШТИРИШ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бу жараёнда Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмитага топширилади. Сенат мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг қонун муҳокамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин. Қонун Сенат томонидан белгиланган кўпчилик овоз билан маъқулланса, имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган тартибда Президентига юборилади. Рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссияси тузиши мумкин.

Мазкур комиссия тенглик асосида тузилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайди. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади. Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган такифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак. Қонунчилик палатаси Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек, Президент томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, масъул қўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосасини олганидан сўнг палата қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади. Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ҳамда эълон қилиш учун юборилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришга йўналтирилган самарали парламент тартиб-қоидаларини шакллантириш учун икки палатали парламентаризм фаолиятининг тартиб-қоидаларини янада такомиллаштириш лозим. Бу борада жаҳон парламентаризми тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Садриддин ХИДИРОВ,
юридик фанлари номзоди

Равон йўллар

Mitti maslahat

ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ

Шуни таъкидлаш жоизки, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 32-моддасига кўра, маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;

2. Маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликка қўл уриши, шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

3. Вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;

4. Ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

5. Ҳуқуқбузарликнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;

6. Ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўллайдиган идора (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб, мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Албатта, ҳеч кимга ўз-ўзидан жазо берилмайди. Одамларнинг тинчини бузувчи, юртимиз қонунларига беписанд, иймон-эътиқоди суст кимсаларга эса жазо муқаррар.

Шу маънода ҳар биримиз ўзимизнинг инсон эканлигимизни, юртимиз равнақи, унинг гуллаб яшнаши, тинч-тотувлиги, фуқаролари осойишталигини таъминлашга масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Алишер ЮСУПОВ

Jinoyat va jazo

НОШУКУРЛИК

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Гап шундаки, бу ҳаётда нафс гирдобига тушган кимсалар ҳар нарсадан, ҳатто ўз фарзандидан ҳам воз кечиб юборишдан тоймас экан. Каромат Холбобоева ҳам она бўлиб туриб, ўз фарзандини бир буюм сифатида, охирини ўйламай-нетмай нотаниш одамларнинг қўлига топшириб юборганига кишининг ишонгиси келмайди. Энг ёмони, ўйлаган қабиҳ режаси амалга ошмай қолса, у фарзандидан айрилиши тайин эди. Наҳотки, у она сифатида шуни хаёлига келтирмади?! Нафс балоси унинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб ташлагандими? Буни энди унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Хуллас, гаровдаги тутқун ҳисобига У.Саиткуловдан олган 1 килограмм "героин" гиёҳвандлик моддасини Н.Каримов зудлик билан Тошкент шаҳридаги С.Раҳимов метро бекати ёнида уни кутаётган К.Холбобоева ва балоғат ёшига етмаган М.Пўлатовнинг қўлига топширди. Жиноят изини йўқотиш учун қилинган чалғитувчи бу ҳаракатлари беҳуда эканини улар ҳали билишмасди. Чунки ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идора ходимларидан иборат тезкор гуруҳ аллақачон уларни изига тушганди. Қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситалари билан шуғулланиб келган мазкур шахслар Шайхантоҳур туманидаги "Ганга" дўкони ёнида жиноят устида қўлга олинди.

Энг асосийси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли ҳаёти хавф остида бўлган тутқундаги Жамшид соғ-саломат озод қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди муқаддам икки марта жиноий жазога тортилган Назирқул Каримовни 12 йил озодликдан маҳрум этди. Фарзанди ҳаётини хавф-хатарга қўйган она учун олий ҳакам виждондир, деб ўйлаймиз.

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Халқимиз "қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади", деб бежиз айтмаган. Бунга ҳаётдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Эндигина ўттиз ёшни қоралаган Мираббос Мирзаахмедов ҳам жиноятга қўл уриб, икки йил адолатли ҳукмдан қочиб юрди. Қорлар ёғиб, излар босилиб кетди, деб ўйлаган жиноятчи Чиноз тумани ҳуқуқ-тартибот ходимларини чалғитмоқчи бўлди. Устига устак гулдай бир аёлни йўлдан уриб, бахтсиз қилгани етмагандай, уни жазога тортилишига ҳам сабабчи бўлди.

Ҳаётда ишонувчанлик ҳам кўпинча панд беради. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида истиқомат қиладиган Лазиза Усмонова Мираббоснинг ёлғон ваъдаларига учиб, у билан ноқонуний яшашга рози бўлди. Мираббос кўп ўтмай ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш учун аллақаёққа ғойиб бўлди. Орадан бир ойлар чамаси ўтгач, у қўлида қоғозга ўроқлик аллақандай нарсани кўтариб уйга кириб келди.

Аслида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи бу шахсни Чиноз туманидаги Яллама қишлоғида оиласи ва фарзандлари бўла туриб, уни ўзига шерик қилиб олмоқчилигини Лазиза етти ухлаб тушида ҳам кирмаган эди. 2004 йилнинг 20 март куни Мираббос 1 килограмм "героин" гиёҳвандлик моддасини 8.000 АҚШ долларига сотиш учун Лазизанинг қўлига тутқазди. Елиб-югуриб охири харидор топган аёл уни 2004 йил 26 март куни Юнусобод туманида бензин қуйиш шоҳобчаси ёнида "мижоз" сифатида келган милиция ходимига 8.300 АҚШ долларига сотаётганда қўлга олинди. Мираббос 1 килограмм деб берган гиёҳвандлик моддаси аслида 727,74 грамм бўлиб чиқди.

Бундан ташқари, М.Мирзаахмедовнинг Яллама қишлоғидаги уйи тинтув қилинганда 0,55 грамм миқдордаги "героин" моддаси топилди. Бу заҳри қотилнинг таркиби, ишлаб чиқарилиши ҳамда тузилиши Лазиза қўлидаги наркотик билан бир хил эканлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика Марказининг 1399-8-сонли хулосасига кўра тасдиқланди.

"Қозонга яқин юрсанг қораси юқади", деганларидек, Лазиза Усмонова ҳам бир бадният кимсанинг касрига қолиб, суд ҳукми билан қамоқ жазосини ўтаб чиқди. "Кўр ҳасссасини бир марта йўқотади" деганларидек, тақдир кўчаларида Лазизага ўхшаб янглишганлар энди ҳаётда адашмасликларига ишонгимиз келади.

Ҳаёт ҳеч қачон бир текисда кечмайди. Баъзи кимсалар қачон бошига бир ташвиш тушса, дарров айбни ҳаёт қийинчиликларига тўнкашади. Аслида бунга уларнинг ўзи, нопок қилмишлари сабаб эканлигини тан олгиси келмайди. Людмила опа кенг уйда ёлғиз ўзи қолганидагина эрини гиёҳвандликдан, ўғлини эса ичкиликбозликдан ўз вақтида қайтармагани учун қаттиқ пушаймон чекди. Бироқ энди у ўзини койишидан наф бормикан? Ахир, унинг яккаю-ягона ўғли ҳаёт билан фожиали видолашди. Бундан ташқари, 70 ёшдан ошган, ёлғиз фарзандининг қотили сифатида узоқ йиллар озодликдан маҳрум этилган эри билан ҳам дийдорлашув узоққа чўзилади, шекилли...

Ҳамма фожиа Людмила эри Эргашнинг сервантга яшириб қўйган "опий" гиёҳвандлик моддасини топиб олгандан бошланди. Гарчи эри гиёҳвандлиги учун муқаддам бир неча марта судланган бўлса-да, у ҳеч қачон қилмаган ишни қилишга қасдланди. У топиб олган наркотик моддасини 2004 йил 24 апрел куни эридан яширинча фуқаро Б.Абдуллаевга 8.000 сўмга пуллаб юборди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, умумий миқдори 0,48 грамм наркотик моддаси билан қўлга тушган фуқаро Б.Абдуллаев билан Зокировлар хонадонига тинтув ўтказишга келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари шкаф остидаги яшириб қўйилган 0,53 грамм "опий"ни ҳам топиб олишди.

Людмила Зокирова қилмишига яраша қонуний жазо олгач, уйда қолган ота-боланинг боши жанжалдан чиқмай қолди. Ичкиликбозликда бир-биридан қолишмайдиган ота-ўғил арзимаган нарса устидан ҳам жанжал чиқаришарди. Охири 2004 йил 21 июн куни даҳшатли фожиа рўй берди. Маст ҳолида уйга келган Эргашнинг оғзидан чиққан ҳақоратга жавобан Бахтиёр уни дўппослашга тушди. Илгаридан ўғлининг ўлдириш пайида бўлган ота иккита ош пичоқ билан ўғлини бўйнидан қорнигача неча марта жароҳат етказганини ўзи ҳам билмайди. Кўп қон йўқотгани туфайли эндигина 30 ёшдан ошган Бахтиёр шифохонада вафот этди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Эргаш Зокировга 12 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, баён этилган фожиаларнинг бош сабабчиси гиёҳвандлик балосидир. Одамларни ёстиғини қуритаётган, оилаларни барбод қилаётган, ширин ҳаётини заҳар-заққумга айлантираётган аср вабосига қарши чора борми? Бу саволни аввало ҳар ким ўзига, ўз виждонига бериши керак. Маҳалла-кўй мутасаддилар эса бу масаланинг ечимини ҳамкорликда излашлари лозим.

Файзулла АТАБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6